• *Ижтимоий ҳаёт*

# БИРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

## Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги пленумида ушбу гап кўп бор тилга олинди

***Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси қисқа вақт ичида халқимиз орасида катта обрў-эътибор қозонди. Унинг фаолияти самараларини ҳатто энг чекка қишлоқ ва овулларда ҳам сезиш қийин эмас. Қолаверса, маҳалла-кўйчилик анъаналари турмуш тарзимизга кечагина кириб келгани йўқ: у асрлар давомида миллий қадрият сифатида шаклланиб, ривожланиб келмоқда.***

Мана шу омил ҳам жамғарма фаолиятининг одамлар ҳаёти билан уйғунлашиб кетишига катта туртки бўлди. Унинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг истиқлолнинг илк меваларига менгзаш мумкин. Хуллас, мазкур жамғарма халқимизнинг ижтимоий ёрдамга муҳтож табақасига кўмак қўлини чўзиб, унутилган миллий удум ва анъаналаримизни қайта тиклаш каби кўплаб хайрли юмушларни амалга оширишга бош-қош бўлиб келмоқда.

Яқинда пойтахтимизнинг «Кўкча» даҳасида жойлашган Исломобод маданий маркази биносида ушбу жамғарма бошқарувининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

— 1994 йил мустақил Ўзбекистон тарихида оламшумул воқеаларга бойлиги билан мустаҳкам ўрин олишига шак-шубҳа йўқ. Бозор иқтисодиётига ўтиш, ҳуқуқий, демократик давлат барпо этиш сари дадил қадамлар қўйилди,— деди жамғарма раиси Шукур Темуров.— Маънавий меросимиз ҳамда миллий қадриятларимизни тиклаш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Республикамиз ўзининг тинчликсевар сиёсати билан халқаро майдонда обрў-эътибор топди. Шуниси қувонарлики, мамлакат Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар юртимизда демократик тамойиллар тобора кучаяётганлиги ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарув органлари билан аҳолининг барча табақалари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланаётганлигини тўла намойиш этди. Унинг самараси ўлароқ, маҳалла оқсоқоллари, жамғармамиз бошқаруви аъзолари ва унинг бўлим-бўлинмаларида хизмат қилаётган бир қатор кишилар мамлакат Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга депутат этиб сайланди.

Жамғармамиз ўтган 1994 йилда муайян ишларни амалга оширди. Аввало, «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ мамлакатимиздаги 10771 маҳалла, қишлоқ, посёлка, овул фуқаролар йиғинлари ва шаҳарлардаги 2136 маҳаллада 1993 йилнинг 1 декабригача оқсоқоллар ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилди. Эндиликда улар ўз ҳудудларида, хўжалик, ижтимоий, маданий, маърифий ва бошқа масалаларни мустақил равишда хал қилиш, давлат бошқарувида фаол иштирок этиш ваколатига эга бўлдилар.

Бундай ваколатлардан самарали фойдаланишнинг ўзи бўлмайди, деб сўзини давом эттирди жамғарма раиси Шукур Темуров. Бунинг учун оқсоқолларимиз ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ғоят етук бўлишлари керак. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда, жамғармамиз бошқаруви Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши билан ҳамкорликда ўтган йил февраль ва апрель ойларида янгидан сайланган оқсоқолларнинг ўқув-семинарини ўтказди. Бундай машғулотлар вилоятларда ҳам ташкил этилди. Етарли билим ва малакага эга бўлган оқсоқолларимиз маҳаллалар фаолиятини ривожлантиришга астойдил киришдилар. Натижада ўтган йили маҳаллалар сон ва сифат жиҳатидан анча ўсди, иқтисодий жиҳатдан қаддиларини ростлаб олди.

Раис нутқи давомида жамғарма фаолиятининг кўпгина қирралари хусусида батафсил тўхталиб ўтди. Дарҳақиқат, ўтган йили маҳаллалар сони 700 тага кўпайди. Ҳозир мамлакатимизда 12 минг 400 га яқин маҳаллалар фаолият кўрсатаяпти. Унинг 200 дан зиёдроғи кўп қаватли уйлардан иборат бўлган мавзеларда ташкил этилди. Барча маҳаллалар ободонлашиб, ўз гузарларига эга бўлаяпти. Шу кунгача 7400 дан зиёд маҳаллаларда гузарлар барпо қилинди. Пойтахтимизнинг ўзида яна 70 га яқин, республика бўйича эса 400 атрофида янги гузарлар қуришга киришилди.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, Тошкент шаҳри ҳокимлиги томонидан 1990-1994 йиллар учун ишлаб чиқилган «Маҳалла» дастури муваффақиятли якунланди. Айни пайтда 2000 йилгача мўлжалланган янги дастур ишлаб чиқилмоқда. Унда пойтахтимизнинг эски шаҳар қисмини XXI аср талаблари даражасида қайта қуриш режалаштирилган.

Жамғарма ва унинг ҳудудий бўлим ҳамда бўлинмалари асосий эътиборни маҳаллалар орқали жойларда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият барқарорлигини таъминлаш, айниқса, оилалар жипслиги, ёшлар ўртасидаги тарбиявий ишларни кучайтириш, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар ҳамда шахсларга моддий ёрдам кўрсатишни ташкил этишга қаратиб келмоқда. Шу мақсадда ўтган йили биргина жамғарма бошқарувининг ўзи 200 га яқин шахс ва оилаларга 41 минг 189 сўмлик миқдорда моддий ёрдам кўрсатди. Республика бўйича эса 260 мингга яқин оила ва шахсларга ана шундай моддий кўмак берилди. Юртбошимизнинг 1994 йил 23 августдаги «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, жамғарма раёсатининг қарори билан 100 минг сўм маблағ ажратилди. Мазкур тадбирларни амалга оширишда жойлардаги оқсоқоллар қатъиятлилик билан иш олиб бордилар...

Пленумда жамғарманинг вилоят бошқаруви раислари, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, шунингдек, республикамиздаги бир қатор идора ва ташкилот раҳбарлари қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва истаклари билан ўртоқлашдилар. Биз анжуман иштирокчиларининг «Маҳалла» хайрия жамғармаси фаолияти ва унда олиб борилаётган ишлар ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

**Т. МУСТАФОҚУЛОВ, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлими бошқаруви раиси:**

— Маҳаллалар фаолияти доирасини кенгайтириш, аввало, уларга яратилган шарт-шароит, оқсоқолларнинг ҳаётий тажрибаси ва салоҳиятига боғлиқ. Сурхондарёда бу борада аниқ ишлар амалга оширилмоқда. Жамғарманинг вилоят бўлими ва унинг бўлинмалари барча жиҳоз ва анжомлар билан тўлиқ таъминланган.

Йил давомида хайрия тадбирлари учун жамғарманинг вилоят бўлими 21330 сўм, бўлинмаларимиз эса 134200 сўм маблағ сарф қилди. Вилоятимизда маҳалла гузарларини бунёд этишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда Жарқўрғон, Музработ, Ангор, Бойсун, Олтинсой туманлари ва Термиз шаҳрида биттадан ана шундай гузар қурилмоқда. Улар сонини янада кўпайтириш ниятимиз бор.

**Абдулла МЕЛИЕВ, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Самарқанд вилоят бошқаруви раиси:**

— Вилоятимизда 1119 та маҳалла ташкил этилган. Улар ҳузурида очилган 273 та кичик корхоналарда 3000 нафарга яқин уй бекалари, ёшлар меҳнат қилишаяпти. Кичик корхоналаримизда каштачилик, қандолатпазлик, мебелсозлик ширкати, нонвойчилик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, темирчилик каби кўплаб майда ҳунармандчилик маҳсулотлари тайёрланмоқда. Бундан ташқари, кўпгина маҳаллаларда жувозлар, тегирмонлар аҳоли хизматида. Уларда ишлаб чиқарилган буюмлар энг аввало ўша маҳаллалар аҳлига арзон нархларда сотилади.

Биз бу ерда Каттақўрғон шаҳрига қарашли маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган 15 та кичик корхона маҳсулотларининг кўргазмасини ташкил этдик. Агар уларга талабгорлар бўлса, шу ернинг ўзида шартнома тузишга тайёрмиз. Ушбу кўргазма одамларда катта қизиқиш уйғотди. Водийлик ҳамда жиззахликларга жувозда тайёрланган зиғир ёғи жуда ҳам маъқул тушди.

Бугунги пленумда республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ўзининг бир йиллик фаолиятига якун ясаб, 1995 йил учун иш режаларини белгилаб олди. Бу эса бизнинг бундан кейинги фаолиятимизда катта аҳамият касб этади. Айни пайтда вилоятимиздаги барча маҳалла оқсоқоллари ҳамда уларнинг котибларини аттестациядан ўтказаяпмиз. Талабга жавоб бермайдиган, эл орасида обрў-эътиборини йўқотган оқсоқолларнинг ўрнига тажрибали, ҳурмат-иззати жойида бўлган кишиларни сайлаймиз.

**Убайдулла УВАТОВ, Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси раисининг биринчи муовини:**

— Ҳадемай Ҳаж мавсуми бошланади. Ҳаж исломда фарз қилинган. Лекин унинг ҳам ўзига хос қонун-қоидалари бор. Унга ҳамма ҳам эмас, балки исломнинг тўрт арконини яхши билган, қолаверса, саломатлиги жойида, оиласи тинч, барча томондан хотиржам бўлган кишиларгина лойиқдир. Бизга халқ орасида шу масалада тушунтириш ишларини олиб боришда оқсоқоллар кўмаги жуда ҳам зарур.

Яна бир гап. Тўғрисини айтиш керак, бизнинг халқимиз маросимларга ниҳоятда ўч. Исрофгарчилик ҳаддан зиёда. Ваҳоланки, дунёнинг бошқа бирор жойида бунақа ортиқча дабдабалар йўқ. Эндиликда шу хусусда ҳам жиддий ўйлаб кўришимиз керак. Қолаверса, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам ўзларининг ҳадиси шарифларида: «Кишининг бахти тўй харажатларининг озлигидадир», деган эканлар. Бундай ортиқча дабдаба ва ҳашамларга барҳам беришда бизнинг уломаларимиз билан оқсоқоллар биргаликда ҳаракат қилишса, хайрли натижаларга эришишимиз, шубҳасиз.

**Дилбар ҒУЛОМОВА, Республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси:**

— Маълумки, ҳозир мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишга катта эътибор берилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Жаҳон тажрибасида биринчи бор «Соғлом авлод учун» олий нишонининг таъсис этилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Ўзбекчиликда қариндош ўртасидаги қуда-андачилик удуми бор. Лекин афсуски, у кўп ҳолларда ёмон оқибатларга олиб келмоқда. Ана шу туфайли баъзи ёш оилалар арзимас сабаблар билан ажрашиб кетаяпти. Яқин қариндошларнинг ўзаро қиз олиб, қиз бериши, ҳатто оила ва никоҳ тўғрисидаги қонунда ҳам тақиқланган бўлса-да, аммо кўп ҳолларда унга амал қилишмаяпти. Зеро, бу ҳолни кўра-била туриб, кўз юмиш жиноят билан баробар. Бундай аянчли ҳодисаларга барҳам беришда оқсоқолларимиз кўп ишларни қилишлари мумкин. Биз улардан ёрдам кутамиз...

Пленум кун тартибига республикамизда фаолият кўрсатаётган «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси қошида маҳаллалар уюшмасини тузиш масаласи ҳам киритилган эди. Айтиш лозимки, бу билан ниҳоятда хайрли ишга қўл урилди. Чунки республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган мазкур жамғарма нисбатан қисқа вақт ичида мамлакатимиз атроф-муҳитини мусаффолаштириш, одамлар саломатлигини яхшилаш борасида хайрли ишларни амалга оширди. Унинг фаолият кўлами нафақат мамлакатимизда, балки халқаро майдонда ҳам тобора кенгайиб бораётир. Бирликда гап кўп. Мадомики, шундай экан, ана шу нуфузли ташкилот билан қўлни-қўлга бериб ҳаракат қилинса, натижалар бундан ҳам юқори бўлиши, табиий.

— Экология ҳозир энг долзарб муаммолардан биридир,— деди «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси президенти Юсуф Шодиметов.— Собиқ иттифоқ даврида Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда оналар ва болалар касалликлари кўпайиб, инсон саломатлиги анча пасайиб кетган эди. Марказий Осиё халқлари ҳатто катта генетик ўзгариш арафасига келиб қолганди.

Биз фақатгина ногиронларга ёрдам бериш билан ўзимизни овутмай, балки бундай ҳолнинг олдини олиш учун курашмоғимиз зарур. Бунинг учун табиат, атроф-муҳит экологиясини яхшилашимиз керак. Жамғармамиз қошида маҳаллалар уюшмаси ташкил этилганлиги ва уни мамнуният билан қўллаб-қувватлаганликлари учун оқсоқолларга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Биргаликда қиладиган ишларимиз ҳали жуда кўп. Муаммоларни бартараф этишда бир ёқадан бош чиқариб, бақамти ҳаракат қиламиз, деган умиддаман.

Пленум жонли мулоқот тарзида ўтди. Минбарга кўтарилган ҳар бир оқсоқол маҳаллалар фаолиятини янада такомиллаштиришда асқотадиган таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташлади. Уларнинг гапларини тинглаб, маҳалла оқсоқолларининг эл-юрт фаровонлиги йўлида белни маҳкам боғлаганликларига амин бўласиз. Кўпни кўрган, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган нуроний отахонларимизнинг элим деб, юртим деб ёниб яшаётганликларидан кўнглимиз тоғдек юксалади.

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Сайёрамиз садоси

### БМТ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА ҚОЧОҚЛАР МУАММОСИ

***Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳон ҳамжамиятини Чеченистондаги қочқинларга ёрдам фаолиятини маблағ билан таъминлаш учун 24 миллион доллар йиғишга даъват этди.***

БМТ бош котибининг расмий вакили Жо Силлс ўтган чоршанба куни шу ҳақда маълум қилди. БМТ қочқинлар ишлари бўйича олий комиссари ва БМТ ижтимоий масалалар бўйича департаменти қўшма миссиясининг хабарига қараганда, Чеченистондаги ҳарбий ҳаракатлар натижасида 400 мингдан зиёд аҳоли ўз хонадонларини ташлаб чиққан. Уларнинг аксарияти Чеченистон ҳудудига яқин жойда, қарийб 160 минг нафари эса қўшни республикаларда паноҳ топиб турибди.

### ИШ ТАШЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Қирғизистоннинг шимолидаги Нарин шаҳри ўқитувчиларининг иш ташлаши давом этмоқда.***

Шаҳардаги 10 та мактаб ўқитувчилари ўтган йил октябрь ойидан буён ололмаган маошларини тўлашни талаб этмоқда. Шаҳар ҳокимлиги ва республика Маориф вазирлиги маблағ йўқлиги сабабли ўқитувчиларнинг бу талабини қондира олмаётир.

### РИВОЖЛАНИШ УЧУН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУД

***Грузия давлат раҳбарининг иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси Зураб Коридзе Арманистон ва Грузия яқин 10 йил ичида МДҲ иқтисодий ҳудудида ривожланиши кераклигини айтди.***

У шунингдек, Арманистон ҳукумати ва республика ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашувлар чоғида савдо-иқтисодий масалалар муҳокама қилинганини таъкидлади.

### БИТИМ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

***Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Теҳрондаги ахборот маркази Тожикистон ҳукумати билан мухолифатдаги ҳарбий гуруҳлар ўртасида вақтинча яраш тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати узайтирилганини хабар қилди.***

Синхуа ахборот маҳкамасининг хабарига қараганда, Ислом тикланиш партияси раисининг биринчи ўринбосари Тўражонзода БМТ Бош котиби Бутрос Ғолийга мактуб ёзиб, мухолифат битимнинг амал қилиш муддатини 6 мартгача узайтиришини маълум қилган. Мактубда шунингдек, бу муддат муҳим сиёсий масалаларни ҳал қилишда ўзаро мулоқотни давом эттириш имкониятини бериши таъкидланган.

# МУТТАҲАМНИНГ ПАРВОЗИ

***...Чумчуқдай беозор бир бола бўларди. Шу бола бир куни қанот чиқариб самоларга парвоз айлади. Ўз парвозига маҳлиё бўлиб, пастда қолиб кетган заминни буткул унутиб, тобора ҳаволаниб бораверди. Парвоз чоғи «осмон устунчалари»га суяниб, янги куч-қувват олиб илгарилайверди.***

Пуфлаб шиширилган пуфакнинг парвози қанчалик баланд бўлса, инқирози ҳам шунчалик тез бўлар экан. Бугун у дами чиққан пуфакдай шалвираб ўтирибди. Аммо от устида юрган айрим амалдорлар уни кўрганда қучоқ очиб, ялаб-юлқашдан ҳамон ўзини тиёлмаяпти.

Албатта, кўришиш ҳеч қачон, ҳеч кимга ман қилинмаган. Очиқ чеҳра билан қўл олишиш, қучоқ очиб меҳр-муҳаббат, ҳурмат-эҳтиром изҳор этиш шарқона оқибат, дўстлик муносабатларининг гултожи сифатида инсон умрининг безаги саналади ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Лекин бизнинг қаҳрамонимиз бу яхши инсоний одатдан ҳам ўз парвози учун пиллапоя ўрнида устамонлик билан фойдаланди. Маълум нуқтага чиқиб олгач эса, ўз ғаразли мақсадлари йўлида ҳеч тортинмай ўзгаларнинг ҳаётига аралаша бошлади.

Фикримиз аён бўлиши учун шаҳар марказидаги ошхоналардан бирида ўтган дабдабали тўй манзарасини тасвирлашга уриниб кўрайлик.

Ҳамма жойда бўлгани каби бу ерда ҳам мезбонлар ва уларнинг хешу ақроболари сафланиб меҳмонларга «хуш келибсиз» қилиб туришади. Маърака эгасининг мансаб — мавқеига қараб улар орасида, албатта, энг кўринарли жойда бизнинг Исматжонни учратасиз.

Маросимнинг бошидан охиригача эмас, маълум номерли машиналар келиб кетгунча у тўпланганларнинг диққат марказида бўлишга ҳаракат қилади. Масалан, фалон амалдорнинг оққушдек тулпори тўйхона рўпарасига келиб тўхтади, дейлик. Биринчи бўлиб Исматжон югуриб бориб эшик очади. Қучоқлашиб ўпишиб (эркакларнинг ўпишиб кўришиши ўзи ғалати) кўришишлар ва «Фалончи ака» билан аъасасаю дабдаба ила ҳамманинг кўз олдида тўйхона тўригача етаклашиб боришлар ғоят ҳаяжонли кечади. Шу орада у, кўриб қўй, дегандек кимгадир совуқ нигоҳини қадаб олишга ҳам улгуради ва яна лабига ширин табассум қўндириб «акахони»нинг пинжига суқилади. Шунинг ўзиёқ барча мулозимлар ва ушбу маросимда иштирок этаётган бошқа майда-чуйда амалдорлар учун (Исмат Хушев кўзлагани бўйича) ўзига хос сабоқ бўлишига кифоя қилади.

Иш шу даражага бориб етдики, шаҳарнинг турли жойларида ўтадиган тўю азаларда Исмат Хушев кутиб оладиган амалдорлар рўйхати бундай маъракаларнинг «кунда-шунда» иштирокчилари учун ёд бўлиб қолди.

Исмат Хушев аралашган ёки нима учундир унга келиб тушган ва у аралашиш лозим деб топган навбатдаги аризагўйнинг илтимоси мазмунига қараб бу рўйхатда бот-бот ўзгариш бўлиб турар эди. Агар билсангиз, кўп муҳим юмушлар кабинетларда эмас, балки мана шундай маъракаларда битади, деган гапни ҳам Исматжон чиқарган.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: оддий одамлар яқинига ҳам боришга журъат этолмайдиган катта раҳбар билан тармоқ журналининг бош муҳаррири ўртасидаги кўпчиликка кўз-кўз этилган бундай намойишкорона апоқ-чапоқлик бирон-бир мақсадга хизмат қилиши мумкинми?

Ҳа, одамига тушса ўтмас пичоқ ҳам бошни кесади. Одамига тушмаса, ўткир қилич ҳам ҳассаликка ярамайди. Исмат Хушев бундай хулосага келгунча ва «Исмат Хушев» бўлгунча ҳар хил тўполонлар, катта-кичик шов-шувлар кўпигида ўн беш — йигирма йилга яқин жавлон урди.

Етмишинчи йилларнинг ўрталарида студентлар шаҳарчасидаги ёшлик кечаларида машҳур шоирнинг ҳали сиёҳи қуримаган шеърларини ёддан айтиб юрувчи журналистика факультети кечки бўлимининг маҳмадана талабасини кўплар яхши эсласа керак. Кейин у ўқишини кундузги бўлимга кўчирди ва ундан Москвага парвоз қилди. Собиқ марказ матбуотининг изоҳларига қараганда, Ўзбекистонга демократия муждасини олиб қайтган ҳам ўша силлиқ йигитча — Исмат Хушев бўлади. Кўплар «демократия» сўзининг мағзини чақишга уриниб юрганида, Исматжон ўзи ишлаган Қашқадарё вилоят комсомол қўмитасида, «Саодат» журналида ҳамда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасида кетма-кет жанжалли шов-шувлар кўтариб, «амалиётчи демократ» сифатида ном қозонди.

Орада нима бўлган, не сир-синоат кечган, «акахон»ларнинг кўнглига қандай қилиб йўл топилган — буниси бизга қоронғи, аммо шуниси аниқки, эътиборга тушиш илинжида кечагина «Исмат Хушевга озодлик!» шиорини студент укаларига кўтартириб, митингларда ўзини-ўзи излаб юрган омадсиз журналист бир юмалаб, «Иқтисод ва ҳисобот» журналининг бош муҳаррири бўлиб қолди.

Қаҳрамонимизнинг амалдор ўтмишдошлари «Мансабдорнинг исмини билсанг қирқ фоиз ишим битди деявер» ақидасига амал қилишар эди. Исмат Хушев янги хизмат машинасига ўтираётиб, ўз салафларининг оҳори тўкилган бу ақидасини эски бўйинбоғ каби қайсидир бурчакка итқитиб юборди. Унинг назарида «Иқтисод ва ҳисобот» журналининг бош муҳаррири иқтисод ва ҳисоботга оид гаплардан ташқари яна кўпгина муҳим нарсаларни билиши керак эди. Шунинг учун у қўл олишиб юрадиган акахонларининг энг нозик сирларини билиб олишга жон-жаҳди билан интилар, уларнинг хуфия майлларини авж олдирар, бунинг учун неки зарур бўлса, барини муҳайё қилишга тиришар эди.

Бой берилган сиринг — қўлингдан тушиб кетган қуролинг. Исмат Хушев акахонлари қўлдан тушириб юборган «нозик» бу қуролларни ҳар эҳтимолга қарши ўз аслаҳахонасида тўплаб борди. Мавриди билан буни уларнинг ўзларига эслатиб турди. Шу боис унинг асло қуюшқонда турмайдиган қилиқларини кўриб кўрмаганга, билиб билмаганга олишди.

«Иқтисод ва ҳисобот» журналининг муҳарририга улкан ваколат бериб қўйилганини воқиф одамлар билишар эди. Истаса, у журнал зарварақларини ота-онасию амма-холаларининг суратлари билан безайди. Ҳушига келиб қолса, ҳеч истеҳола қилиб ўтирмай ўзи бош муҳаррирлик қилган журналнинг бир сонида ўзининг тўққизтагача суратини чоп эттиради. (Бу суратлар биз юқорида тилга олган ўша тўйхона манзараларининг сессия залига кўчирилган кўринишларини эслатади). Бош муҳаррир сурати албатта «керакли одамлар» даврасида акс эттирилар эди.

Баъзилар буни гўлликка, профессионал малака етишмаслигига йўйишар, баъзилар эса эркатой ўғилнинг шўхлигидан завқлангандай шунчаки кулиб қўяқолишарди. Аслида эса «гўллик» билан ёки «билмасдан» қилинган бундай хатти-ҳаракатлар замирида қаҳрамонимизнинг муайян моддий-маънавий манфаатлари ётган бўлар эди.

Кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек, ниҳоят И. Хушевнинг ҳам кўзаси синди. Лекин, афсуски, бунгача кўп сувлар ҳам оқиб кетди-да...

Бу воқеа 1993 йилнинг ёз ойида рўй берди.

Маълумки, ўша вақтда республика Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан аҳолига бир қанча зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан, унни ҳам меъёр асосида сотиш жорий этилган ва бу тартибни назоратга олиш ҳуқуқ-тартибот органлари зиммасига юкланган эди. Китоб туман милицияси ходимлари 1993 йил 9 август куни Шаҳрисабз ун маҳсулотлари комбинати ходимларидан бир нечтасини жиноят устида қўлга туширади. Улар 5 тонна олий нав унни омбордан ҳужжатсиз олиб чиқиб, қишлоқларда юқори нархда пуллаётган эдилар.

Жиноят содир этилгандан кейин жазо ҳам муқаррар бўлиши керак. «Унчи»лар иши бўйича тафтиш хулосалари тайёр, фактлар аллақачон тўла тасдиқланган бўлса ҳам иш негадир аччиқ ичакдек чўзилар, кўзга кўринмас қўл, ғойиб қудрат вақтни ҳам тўхтатиб қўйгандек эди. Ушбу ишга дахлдор барча ҳужжатлар қирқ кун туман ИИБ бошлиғи Баҳром Амирқулов сейфида қолиб кетди. Прокуратурага хабар қилинмади. Туман прокурори Ф. Шаймонов танишиб чиқиш учун ҳужжатларни сўраганда, Амирқуловдан: «қўйинг, бу сиз аралашадиган иш эмас», деган димоғдор жавоб бўлди. Ҳаромхўрлар ишини «ёпди-ёпди» қилишга уриниш борлиги сезилиб қолгач, прокурор жиноий иш қўзғаб, уларни қамоққа олди.

Хўш, бу воқеанинг И. Хушевга қандай алоқаси бор, дерсиз? Гап шундаки, ўғрилар «Иқтисод ва ҳисобот» журнали собиқ бош муҳаррирининг уруғ-аймоқлари эди. Ишнинг нега пайсалга солингани, «кўринмас қўл» кимга тегишли эканлигини энди англагандирсиз. Китоб тумани ИИБ идорасига танда қўйиб олган И. Хушев энди прокуратурага қатнаб, прокурорни аврай бошлади. Мурод ҳосил бўлмагач пўписага ўтди: «Устингдан ёзиб, шармандангни чиқараман, ана ундан кейин ўзингни оқлаб кўр... Китоб билан Тошкент оралиғида қатнайвериб, бор йўғингдан айриласан!» Пўписалар кейинчалик Тошкентда, Ф. Шаймонов ҳам қатнашган бир маракада масъул кишилар гувоҳлигида яна икки марта такрорланди. Ун ўғирланиши, И. Хушев прокурор ишига аралашаётгани ўз вақтида вилоятнинг собиқ бош прокурори Э. Абзаловга хабар қилинган эди. Лекин, афсуски, ҳеч ким бу эркатойнинг мушугини пишт демади. Воқеа эса худди саргузашт фильмлардагидек ривожланаверди:

5 тонна унни талон-тарож қилган Шаҳрисабз ун комбинатининг омбор мудири И. Қодиров, унинг шериклари — дўкон мудири Қ. Азизов, тракторчи А. Султонов, юк ташувчи А. Расулов, таъминотчи Р. Турдиевлар дастлабки терговдаёқ айбига иқрор бўлсалар-да, кейинчалик туман суди томонидан енгил жазолар билан қамоқдан бўшатиладилар. Ўша кунлари дўкондан меъёрдаги 7 килограмм ўрнига 4-4,5 килограммдан ун олган туман аҳолиси бундай «сиёсат»дан ҳайрону лол эди. Икки ўртада Китоб туман прокурори Ф. Шаймонов жабр кўрди. У «вазифасига масъулиятсизлик билан ёндошгани учун» ишдан четлаштирилди. Исмат Хушев башорат қилганидек Китобу Тошкент оралиғида сарсон-саргардон бўлиб қолди.

Қанчалар чаққон бўлмасин чумчуқ чумчуқ-да, ҳеч қачон бургут бўлолмайди. Буюк парвозлар гаштидан бехабар, доим шохдан-шохга ликиллаб юраверади. Жуда нари борса, икки дарахт орасини мўлжаллаб учиб қўяди. Исмат Хушевга ҳам чумчуқфеъллик қаттиқ панд берди. У ўзи қўниб юрган дарахтлардан бирининг мўрт бўлиб қолганини сезмай, кунлардан бир кун одил суд курсисига «қулаб тушди».

Юқори давлат идораларининг аралашуви билан Ф. Шаймоновнинг аризаси юзасидан махсус текширув ўтказилди ва ундаги фактлар исботини топди. Китоб туман судининг ун ўғриларига нисбатан ғайриқонуний ҳукми бекор қилинди. Эл ризқини туя қилганлар иши қайта кўриб чиқилиб, ўғрилар суд залида қамоққа олинди.

Исмат Хушев Китоб туман прокурори Ф. Шаймоновнинг иш фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиб, ундан жиноят ишини ҳаракатдан ётқизишни ва айбланувчи И. Қодиров бошчилигидаги ҳаромтомоқлар гуруҳини қамоқдан озод қилишни талаб этганликда айбдор топилиб, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Судлов ҳайъатининг ҳукми билан И. Хушевни 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Аммо, эгилган бошни қилич кесмас, дейдилар. И. Хушев суд жараёнида барча жиноий ҳаракатларини бўйнига олди. Қилмишларидан пушаймонлик билдирди. Жазо тайинлашда суд ҳайъати судланувчининг илгари судланмаганлигини, қарамоғида вояга етмаган учта фарзанди борлигини назарда тутиб, унинг тавба-тазаррусини инобатга олди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан авф этиш тўғрисида»ги фармонига кўра И. Хушев жазони ўташдан озод этилди.

Ўрни келиб қолгани учун «авф этиш», яъни «амнистия» сўзининг луғавий маъносини қисқача изоҳлаб ўтамиз. **«Авф этиш» — «амнистия» грекча сўз бўлиб, жиноят қилган шахснинг тўла ё қисман жазосини ўташдан озод қилинишини билдиради.** Ёки суд ҳукмини юмшоқроқ шаклдаги жазо билан алмаштиришни назарда тутади. **Уни «оқланиш» сўзи билан алмаштириб юбормаслик керак.** Буни бежизга таъкидламаяпмиз. Кеча тавбасига таяниб, қамоқ жазосидан зўрға қутулиб қолган Исмат Хушев бугун унинг қилмишидан бехабар давраларда яна «юқори»дан келмоқда. Атай **«авф этиш»**ни **«оқланиш»** билан алмаштириб, ўзини қўй оғзидан чўп олмаган бегуноҳу беозор қилиб кўрсатмоқда. Турли катта-кичик идораларнинг раҳбарларига қўнғироқ қилиб, «англашилмовчилик бўлганини, яқинда яна мансабига тикланишини» айтиб лоф урмоқда. Россияда чиқадиган, юртимизга нисбатан тирноқ остидан кир излаш асосий машғулоти бўлган айрим матбуот нашрларига ўзини беайб таъқиб этилаётган журналист сифатида тақдим қилмоқда.

Бу хатти-ҳаракатларидан Исмат Хушев ҳали ҳам ўзини яхши таниб олмагандек туюлди ва шунинг учун биз унга бор-йўғи кўзгу тутдик, холос. Мақсадимиз холис — халқ кимнинг кимлигини билиб қўйсин.

Кўзгудан эса ўпкалаб бўлмайди.

**Эсон ЖОВЛИЕВ.**

